

ЎТМИШГА НАЗАР

МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК

LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE



Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Раҳбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Кебадзе Мадонна

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Бурдиашвили Майя

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Кожакесва Ляззат Темировна

*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,
Қозоғистон Республикаси*

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети*

Бобожонова Дилором Бобожонова

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети*

Зияева Доно Хамидовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Аширов Адҳам Азимбаевич

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Агзамова Гулчехра Азизовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна

*тарих фанлари доктори, Тошкент
кимё - технология институти*

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна

*тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон
давлат жаҳон тиллари университети доценти*

Эргашева Юлдуз Алимовна

*Тарих фанлари доктори, профессор
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт институти*

Теймураз Ахалмосулишвили

*профессор, Телавский государственный университет,
Грузия*

Халикова Раҳбар Эргашевна

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент
давлат техника университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий Университети*

Кобзева Ольга Петровна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий университети*

Одилов Аброр Анварович

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Ерметов Аваз Абдуллаевич

*тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Сайнова Камола Давляталиевна

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Джоробекова Айнур Эшимбасқовна

*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар
вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси*

Толипов Файзулла Саидович

*Тошкент давлат техника университети доценти,
тарих фанлари номзоди*

Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

- 45. Mirzaliyev U.B. Xasanov M.M.**
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ARXIVLAR FAOLIYATINI
TASHKIL ETISH BORASIDAGI ISHLAR VA ISLOHOTLAR.....362
- 46. Муминов А., Норов Ш.**
ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК: ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ВА
ЎЗБЕКИСТОНДАГИ АМАЛИЁТ.....367
- 47. Норқўчқаров Х. Э., Мансуров У.Ж.**
АФФОНИСТОНДАГИ ЎЗБЕК ЗИЁЛИЛАРИ ВА УЛАРНИНГ
ФАОЛИЯТИ (XX АСРНИНГ II ЯРМИ - XXI АСР БОШЛАРИ).....373
- 48. Мўминова Г.Э.**
ЎЗБЕКИСТОНДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҶАСИНИНГ
ТАРАҚҚИЁТИ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИ.....379
- 49. Муталлибжонов М.М.**
ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРНИНГ ЁШЛАР СИЁСИЙ
ФАОЛЛИГИ ВА СИЁСИЙ МАДАНИЯТИГА ТАЪСИРИ.....387
- 50. Нафиддинова Х.Р.**
БУХОРО ТҮЙ-ҲАШАМЛАРИ: ЎТМИШ ВА БУГУН.....392
- 51. Норматов О.**
ЎРТА ЗАРАФШОН ОКРУГИ ТАРИХИГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР...398
- 52. Нурматова М.М.**
ЖУРЖИЙ ЗАЙДОННИНГ "ФАРҒОНА КЕЛИНИ" РОМАНИДА
ТАРИХИЙ ШАХСЛАРНИНГ АКС ЭТТИРИЛИШИ.....405
- 53. Пардаев А.А.**
ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИДАГИ ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАР
(1989-2019 ЙИЛЛАР).....410
- 54. Примова Ф.А.**
МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИ ТАРИХИДА ЎЗБЕКИСТОНДА
ТАЪЛИМ ТАРБИЯНИНГ ИНСОНПАРВАРЛИГИ
ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ.....416
- 55. Расулов А.М.**
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАРИХИДА ОММАВИЙ
АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЎРНИ.....424
- 56. Расулов Ҳ.М.**
ШАРҚ ВА ҒАРБ: СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ
КОМПОНЕНТЛАРИ УЙҒУНЛИГИ.....429

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT


- 57.Рахматова Н.М.**
ЎЗБЕКИСТОНДА ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ТАРИХИДАН (XX АСРНИНГ
90-ЙИЛЛАРИ МИСОЛИДА).....437
- 58.Рузматова Ш. А.**
XVII АСР ОХИРИ XVIII АСР БОШЛАРИДА ФАРФОНА
ВОДИЙСИДАГИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ, СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР.....444
- 59.Samatova F.N., Qurbonov B.G', Mahmudova N.**
O'ZBEKISTONNING MARKAZIY OSIYO DAVLATLARI BILAN
SHANXAУ NAMKORLIK TASHKILOTI DOIRASIDAGI ALOQALARI.....452
- 60.Саттаров А.М.**
1946-1990 ЙИЛЛАРДА МИРЗАЧЎЛНИ ЎЗЛАШТИРИШДА
ФАРФОНА ВОДИЙСИ АҲОЛИСИНИНГ КЎЧИРИЛИШИ ТАРИХИДАН..... 462
- 61.Тажимирзаев Э.**
АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРДА ФАРФОНА ВОДИЙСИ ҚИШЛОҚЛАРИ
АҲОЛИСИ ОРАСИДА ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРНИНГ
ТАРҚАЛИШИ ВА ТИББИЙ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИ
(1960-1970 ЙИЛЛАР).....469
- 62.Топилдиева М.Р.**
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СУДИНИНГ ТАШКИЛ
ТОПИШИ ТАРИХИ.....476
- 63.Тошпўлатов Б.Ш.**
XX АСРДА ТУРКИСТОНДА ТИББИЁТ ЙЎНАЛИШИ
ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛИШИ.....484
- 64.Ўлжаева Ш.М., Тошпўлатова Н., Сурождинова М.**
АМИР ТЕМУРНИНГ МЎҒУЛЛАРГА ВА МАҲАЛЛИЙ
ҲУКМДОРЛАРГА ҚАРШИ ҚЎЛЛАГАН ҲАРБИЙ ҲИЙЛАЛАРИ
("ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ"МИСОЛИДА).....491
- 65.Тоштемирова Н.Д.**
ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗА
ҚИЛИШ ИШИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.....496
- 66.Турсунов А.А., Хамзаева Г.Н., Обидова О.А.**
МУҲАММАД ҲАКИМХОН ТЎРАНИНГ "МУНТАХАБ
АТ-ТАВОРИХ" АСАРИДА ҚЎҚОН ХОНЛИГИ ДАВЛАТ
БОШҚАРУВИНИНГ ТАЛҚИН ЭТИЛИШИ.....502

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Тоштемирова Нигора Дилшодовна,
мустақил-тадқиқотчи
Қарши давлат университети

ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ИШИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

For citation: Tashtemirova Nigora Dilshodovna. LEGAL BASIS FOR CHILD HEALTH PROTECTION IN UZBEKISTAN. Look to the past. 2020, SI, pp. 496-501

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-65>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўзбекистонда болалар саломатлигини муҳофаза қилиш ишининг ҳуқуқий асослари ҳамда бу соҳага оид муаммо ва ечимлар кўрсатиб ўтилган. Болалар саломатлигини сақлаш борасида Ўзбекистонда жаҳон аҳамиятига молик ишлар амалга оширилаётганлиги ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: Ўзбекистон, Қонун, Соғлом авлод, Оналик ва болалик, ҳуқуқ, чақалоқ, эмлаш, юқумли касалликлар, дифтерия, қоқшол, полиомиелит, перинатал, скрининг марказ, педиатр.

Тоштемирова Нигора Дилшодовна,
независимый-исследователь
Каршинского государственного университета

ПРАВОВАЯ ОСНОВА ЗАЩИТЫ ЗДОРОВЬЯ ДЕТЕЙ В УЗБЕКИСТАНЕ

АННОТАЦИЯ

В данной статье излагаются правовые рамки охраны здоровья детей в Узбекистане, а также проблемы и решения в этой области. В Узбекистане проводится большая работа по охране здоровья детей.

Ключевые слова: Узбекистан, закон, здоровое поколение, материнство и детство, закон, младенец, вакцинация, инфекционные заболевания, дифтерия, столбняк, полиомиелит, перинатальный, скрининговый центр, педиатр.

Tashtemirova Nigora Dilshodovna,
independent researcher
Karshi State University

LEGAL BASIS FOR CHILD HEALTH PROTECTION IN UZBEKISTAN

ABSTRACT

This article sets out the legal framework for protecting children's health in Uzbekistan, as well as problems and solutions in this area. Uzbekistan is doing a lot of work to protect children's health.

Index Terms: Uzbekistan, law, healthy generation, motherhood and childhood, law, infant, vaccination, infectious diseases, diphtheria, tetanus, poliomyelitis, perinatal, screening center, pediatrician.

Долзарблиги. Ўзбекистонда болалар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашнинг мустақкам асоси яратилган. Жумладан, бу соҳага оид бир қанча халқаро конвенция ратификация қилиниб, ўндан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Ўзбекистонда БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияси талаблари, Ўзбекистон Республикасининг "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунида назарда тутилган мақсад ва вазифалар ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ота-оналар ҳамда фарзандларнинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳам алоҳида белгилаб қўйилган. Конституциянинг 65-моддасида фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади,[1] дейилган. Бу соҳадаги халқаро стандартларни миллий қонунчиликка жорий қилиш ва қонунчиликни такомиллаштириш борасидаги ишлар давом этирилаяпти. Олиб борилаётган ислохотлар жараёнида тегишли ҳуқуқий базани такомиллаштириш мақсадида "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида", "Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишининг олдини олиш тўғрисида", "Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида", "Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўғрисида"ги қонунлар[8] ҳам қабул қилиниб, амалда ўз ифодасини топмоқда.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган.

3. Тадқиқот нақтижалари:

1993 йил Ўзбекистоннинг илк ордени "Соғлом авлод учун" номи билан таъсис этилди.[8] Табиийки, бунинг замирида Ўзбекистоннинг буюк келажagini яратиш, миллат генофондини асраш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишдек эзгу мақсад мужассамлиги фикримизнинг ёрқин далилидир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 140-сонли қарорига биноан 1998 йилда болалик давридан ногиронликка олиб келувчи туғма ва бошқа касалликларни ҳомиладорликни илк ойларидаёқ аниқлаш ва касалликка қарши тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, касалликни олдини олиш ва ҳомилани эрта аниқлаш мақсадида "Она ва бола скрининги" Давлат дастури қабул қилинди. Давлат дастурига мувофиқ болаларни ҳар томонлама соғлом туғилишини таъминлаш, туғма ва ирсий касалликларнинг

олдини олиш мақсадида республикада скрининг марказлар ташкил этилди.

Ўтган йиллар мобайнида соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида юртимизда сифат жиҳатдан янги, энг юксак талабларга жавоб берадиган даволаш муассасаларининг мукамал тизими вужудга келди. Бир ёшгача бўлган болалар ўлими (1000 та тирик туғилган болага нисбатан) 1991 йилда 35,5 промилле бўлган бўлса, бу кўрсаткич 1997 йилда 22,7 промиллега камайган.[7] Ўлим ҳолатлари таҳлил қилинганда, патолого-анатомик текширувлар фоизи Қорақалпоғистон Республикасида 29,4%, Навоий вилоятида 35,0% ни ташкил қилади. Бу кўрсаткич жуда паст бўлиб, ўлим сабаби ва даволаш ишларига тўғри баҳо беришга тўсқинлик қилади. Ўлим сабабларини ўрганиб чиқиш ва камчиликларни бартараф этиш мақсадида патолого-анатомик текширувлар фоизини ошириш лозим.[7] Туғруққа ёрдам берувчи ва болаларга тиббий хизмат кўрсатувчи барча туман ва шаҳар муассасалари Осиё ривожланиш банки иштирокида "Оналар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш" лойиҳаси доирасида болалар учун замонавий наркозли нафас олиш аппаратура ультратовушли сканерлар, ҳаётни таъминловчи мониторлар, чақалоқ ўпкасини ноинвазив винтеляция қилиш аппаратлари, кювезлар, зарур воситалар ва ҳаражат материаллари билан жиҳозланди.[7]

Ўзбекистонда болалар иммунитетини мустаҳкамлаш мақсадида эрта эмлаш тадбири ўз вақтида ўтказилади. Бунинг натижасида мамлакатимизда сўнгги йилларда сил, гепатит ва шу каби эпидемиологик хасталиклар билан оғриш ҳолатлари сезиларли даражада камайди.

2007 йил 19 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш бўйича Давлат Дастурини амалга оширишга доир асосий чора-тадбирлар тўғрисида" ги Фармони, 2007 йил 2 октябрдаги "Республика тиббиёт муассасалар фаолиятини ташкиллаштирилишини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида" ги Қарорига мувофиқ Республика ихтисослашган эндокринология илмий амалий тиббиёт маркази ташкил этилди.[15]

2009 йил 13 апрелдаги "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги қарорига мувофиқ, соғлом бола туғилиши, баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури ҳаётга изчил тадбиқ этилди.[11]

Ўзбекистонда ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб вояга етказиш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан ҳисобланади. Айни чоғда уларни хавфли, юқумли касалликларга қарши режали эмлаш изчиллик билан олиб борилиши натижасида дифтерия, қоқшол, полиомиелит каби қатор юқумли касалликларга бутунлай барҳам берилди. Айниқса, чекка ҳудудларда она ва бола перинатал ҳамда скрининг марказлари тармоғи яратилгани, қишлоқ жойлардаги барча ҳомиладор аёлларнинг давлат бюджети маблағлари ҳисобидан зарур поливитаминлар билан таъминланаётгани кутилган самарани берди.[11] Шунингдек, 2009 йилда ташкил қилинган Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт марказида амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовор. Чунончи мазкур масканда фтизиатрия хизматини такомиллаштириш, сил ва сурункали носпецифик ўпка касалликларига қарши курашиш, бундай хасталикларни замонавий муолажалар асосида самарали даволаш учун барча имконият мавжуд эди. Унинг малакали мутахассислари соҳадаги илғор усуллар ва жарроҳлик амалиётлари бўйича Буюк Британия, Германия,

Нидерландия сингари кўплаб давлатларнинг нуфузли клиникаларидаги ҳамкасблари билан мунтазам тажриба алмашиб келди. Ушбу марказ 2011 йилда тубдан қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилди.[11]

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 21 майдаги "Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази фаолиятини ташкиллаштириш масалалари тўғрисида"ги 145-сонли Қарорига мувофиқ Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази (РИПИАТМ) ташкил этилди. Марказда асосан бола туғилган пайтдан бошлаб, болаликнинг кейинги босқичига ўтгунга қадар мунтазам кузатув ишларини олиб бориш, юқори моддий-техник ва илмий база шакллантириш, шунингдек, болаларга халқаро стандартларга мос малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатувчи педиатрия мактабини яратиш ишлари амалга оширилди.[14]

2010 йилда қабул қилинган яна бир муҳим ҳужжат бу "Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўғрисида"ги Қонун бўлиб, унда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тадбирлари белгилаб берилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 22 июлдаги "Республиканинг қишлоқ туманларида оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори[11] эса оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилган саъй-ҳаракатларнинг мантиқий давоми бўлди.

Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохот натижалари жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда. Ўзбекистон 2011 йили "Save the Children" ("Болаларни асрайлик") халқаро ташкилоти томонидан тузилган 161 мамлакатдан иборат жаҳон рейтингда болалар соғлиғини сақлаш борасидаги натижалари ҳисобига 9-ўринни эгаллади.[13] Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2014 - 2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида" ги қарори бу борадаги ишларни янги босқичга кўтарди.[11] 2014 йилда 6 миллион 500 минг нафар мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари, мактаб ўқувчилари чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди. Бу эса касалликларни барвақт аниқлаш ҳамда уларни самарали даволаш имконини берди. Республикада сўнгги ўн йилда ривожланишида туғма нуқсонлари бўлган болалар сони 1,3 баробар камайди.[11]

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти ҳамда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳозирги вақтда дунёда 840 миллиондан ортиқ киши, яъни деярли ҳар саккизта одамнинг бири тўйиб овқатланмаяпти, сайёрамиз аҳолисининг 30 фоизидан зиёди тўлақонли равишда овқатланмаслик, энг асосий микроэлемент ва витаминлар етишмаслиги муаммосини бошдан кечирмоқда. Бу эса 160 миллион нафардан ортиқ болаларнинг бўй ўсиши, жисмоний ва интеллектуал ривожланишига салбий таъсир кўрсатди.

Ўзбекистонда эса охириги ўн йилда вазни тиббиётда кўзда тутилган меъёрдан кам бўлган болалар сони икки баробардан зиёд қисқаргани, уларнинг бўйи ўртача 3 сантиметр ўсгани, хотин-қизларда камқонлик даражаси 2,5 марта пасайгани бунинг ёрқин тасдиғи бўлди.[11]

Ўзбекистонда тиббиёт соҳаси ривожини учун 2012 йилда давлат бюджети ҳисобидан 2,8 триллион сўм маблағ ажратилган бўлса, 2013 йили бу кўрсаткич 3,4 триллион сўмга етди. 2014 йилда эса соғлиқни сақлаш тизимини янада яхшилаш учун

давлат бюджетидан 4,4 триллион сўм ажратилди.[11]

Кейинги йилларда бу соҳада катта ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: "...биз ижтимоий соҳада аҳоли саломатлиги, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, дори воситалари билан ишончли таъминлаш, жисмоний бақувват ва маънавий жиҳатдан соғлом авлодни камол топтириш масалаларига алоҳида устувор аҳамият бермоқдамиз." [2] ЖССТ Европа минтақавий бюросининг 2017 йил 11-14 сентябрь кунлари бўлиб ўтган 67-сессиясида Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар юқори баҳоланди. Шу ўринда Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг қуйидаги сўзларини келтириш лозим: "Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишни янада яхшилаш, халқимизни тиббиёт тизими фаолиятидан рози қилиш-барчамизнинг энг муҳим вазифамиздир." [3] Бугунги кун талаби соғлиқни сақлаш соҳасида "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси"да белгилаб қўйилган аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, соҳа моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш [3] каби муҳим вазифаларни амалга оширишни тақозо этмоқда. Тизимда ўз ечимни кутаётган муаммолар жуда кўп. Қишлоқ врачлик пунктларида акушер-гинеколог, педиатр мутахассисларининг етишмовчилиги, диагностика ва врачлар малакасининг пастлиги туфайли оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш ишида жиддий муаммолар келиб чиқмоқда. Бу нафақат тарих фани, балки жамият ижтимоий ҳаётини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган долзарб вазифадир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 12 сентябрдаги 714-сонли "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори [11] ва тизим фаолиятини такомиллаштиришга оид қатор чора-тадбирлар олиб борилди. 2017 йилга келиб, амалга оширилган бир қанча чора-тадбирлар натижасида туғма ривожланиш аномалиясига эга болалар сони 1,3 марта камайди. 6 - 15 ёшда бўлган болалар орасида ўткир юқумли касалликларга чалиниш 34,4, пневмония ҳоллари - 49,7, бронхит - 32,8, сколиоз - 32,7 фоизга қисқарди. Давлат бюджети жами харажатларининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳанинг барқарор фаолиятини таъминлашга йўналтирилаётгани бунда катта ўрин тутди. [11]

4. Хулосалар:

Хулоса ўрнида айтиш мумкин-ки, соғлиқни сақлаш соҳасининг ривожланиш жараёнидаги энг муҳим вазифалардан бири, шубҳасиз, аҳоли саломатлигини асрашга оид ҳуқуқий асосларни яратиш ҳамда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом болалар туғилишига оид зарур шарт-шароитлар яратиш, оилаларда тиббий маданиятни шакллантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни самарали равишда тарғиб этишдан иборат бўлди. Ўзбекистонда амалга оширилаётган тиббиёт соҳасини тубдан ислоҳ қилишга қаратилган кенг самарали чора-тадбирлар аҳолининг ижтимоий ҳаётини яхшиланишида муҳим асос бўлиб хизмат қилди.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Тошкент, 2007. - Б.13(1. The Constitution of the Republic of Uzbekistan. - Tashkent, 2007. - B.13)

2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. 2017 йил 14 январь. -Тошкент: Ўзбекистон, 2017. - Б.18.(Mirziyoev Sh.M. Critical analysis, strict discipline and personal responsibility must be the daily routine of each leader's activities. The report of the Cabinet of Ministers at the enlarged session of the Cabinet dedicated to the main results of socio-economic development of the country in 2016 and the most important priorities of the economic program for 2017. January 14, 2017. -Tashkent: Uzbekistan, 2017. -B.18.)

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сон Фармонининг 1-иловасида келтирилган "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси". (Strategy of actions on five priority directions of development of the Republic of Uzbekistan in 2017-2021, as specified in Appendix 1 to the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated February 7, 2017 № 4947.)

4. Муминова Г.Э. Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизими тарихи (1917 - 1991 йиллар). - Тошкент: Yangi nashir, 2015. - 336 б.(Muminova G.E. History of Health Care System in Uzbekistan (1917 - 1991). - Tashkent: New Edition, 2015. - 336 p.)

5. Қодиров А. А. Тиббиёт тарихи. - Тошкент: Ибн Сино, 1993(А.Kodirov A. History of Medicine. - Tashkent: Ibn Sina, 1993)

6. Ражабов Қ., Қандов Б., Ражабова С. Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари (Энг қадимги даврлардан бугунги кунгача) Тўлдирилган ва қайта ишланган 6-нашр. - Тошкент: O'zbekiston, 2015(Rajabov Q, Kandov B., Rajabova S. Important milestones of Uzbekistan's history (From the earliest times to the present day) Completed and processed 6th edition. - Tashkent: Uzbekistan, 2015)

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви(ЎзР МДА), М-15-фонд, 1-рўйхат, 1382-иш, 100-варақ. (Central State Archives of the Republic of Uzbekistan (MDA), Fund M-15, list 1, case 1382, page 100.)

8. Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш, 2013 йил 1 февраль, № 5 (922). Б-4(Healthcare in Uzbekistan, February 1, 2013, No. 5 (922). B-4)

9. Шодиев Т. Шаҳрисабзда тиббиёт тараққиётининг нурли йўли. - Қарши, 2004(Shodiev T. Illuminating path of medical development in Shakhrisabz. - Karshi, 2004)

10. Фуломов Н. Тарихга айланган кунлар // Сихат-саломатлик. - 1998.- № 2.(Gulyamov N. Days turned into history // Health. - 1998. - No. 2.)

11. "Халқ сўзи". 2017 йил 13 сентябрь.("The Word of the People". September 13, 2017)

12. <http://strategy.regulation.gov.uz>

13. uzssgzt.uz/cgi-bin/main.cgi

14. www.akusherstvo.uz

15. www.endocrin.uz

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

МАХСУС СОН

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000